XALQ DEPUTATLARI YAKKASAROY TUMAN KENGASHINING
QARORI

Toshkent 100100, Bobur ko'chasi, 4-uy. Tel.: (71) 255-69-19, Faks: (71) 281-54-50. yakkasaroyhokimligi@exat.uz

239/25-2 -son 20-январь 2021-yil

Яккасарой туманида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаларининг аниқ миқдорларини белгилаш тўғрисида

2020 йил 30 декабрдаги «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-659-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-банди,Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5283-сонли, "Рессурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги №06/04-01-03-32/3080-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Яккасарой тумани ҳокимлиги ва туман ДСИнинг таклифидан келиб чиқиб,"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Яккасарой туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Яккасарой тумани ҳокимлиги ва туман ДСИнинг Солиқ кодексининг 429-моддаси биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни Яккасарой туманида жойлашган маҳаллалар кесимида 1- ва 2-иловаларга асосан киритилган таклифи ижро учун қабул қилинсин.

2. Яккасарой туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2-иловага асосан жойлашган манзили бўйича юридик шахсларга солиқ ставкаларига қўлланилган коэффициентлар тўғрисидаги маълумотларни 5 кунлик муддатда етказиш вазифаси юклатилсин.

3. Яккасарой туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 1-иловага асосан жойлашган манзили бўйича жисмоний шахсларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар бундан мустасно) 2021 йил учун ҳисобланадиган ер солиғи суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасидан 30%дан ошмаслиги юзасидан назоратга олинсин.

4. Яккасарой туман давлат солиқ инспекцияси томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ер солиғи суммаларини бюджетга тўлиқ ундирилиши белгилаб қўйилсин.

5. Мазкур қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Яккасарой туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ж.Махкамов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Яккасарой туман Кенгаши раиси **А.Сайфутдинов**

Халқ депутатлари
Яккасарой туман Кенгашининг
2021 йил 20 январги
239/25-2-сонли қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Сўм

Т/р	МФЙ номи	Иқтисодий Зонаси	2021 йил учун жисмоний шахсларнинг ер солиғи ставкаси (1 кв.м учун)	
			коэффициент	сумма
1	Х.Сулаймон	1	1,13	1 348,8
2	Дамарик	2	1,10	1 114,5
3	Бобур	3	1,10	915,9
4	А.Қаххор	3	1,10	915,9
5	Ю.Ражабий	1	1,13	1 348,8
6	Боғсарой	1	1,13	1 348,8
7	Конституция	2	1,13	1 144,9
8	Тепа	2	1,13	1 144,9
9	Беларик	2	1,13	1 140,0
10	Шохжахон	2	1,13	1 144,9
11	Ракат	2	1,13	1 144,9
12	Ракатбоши	2	1,10	1 114,5
13	Яккасарой	3	1,10	915,9
14	Мукумий	2	1,13	1 144,9
15	Мерос	2	1,13	1 144,9
16	Тукимачи	4	1,12	730,6
17	Армуғон	3	1,10	915,9
18	Бошлиқ	3	1,10	915,9
19	Кушбеги	3	1,10	915,9
20	Дилбулоқ	3	1,10	915,9
21	Мухандислар	3	1,10	915,9

Халқ депутатлари
Яккасарой туман Кенгашининг
2021 йил 20 январдаги
239/25-2-сонли қарорига
2-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

				млн.сўм
Т/р	**МФЙлар номи**	**Иқтисодий Зонаси**	**Коэффициент (0,7 дан 3,0гача)**	**2021 йил учун юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаси (1 га учун)**
1	Х.Сулаймон	1	1,30	270,7
2	Дамарик	2	1,30	216,5
3	Бобур	3	1,30	162,4
4	А.Қаххор	3	1,30	162,4
5	Ю.Ражабий	1	1,30	270,7
6	Боғсарой	1	1,30	270,7
7	Конституция	2	1,30	216,5
8	Тепа	2	1,30	216,5
9	Беларик	2	1,20	199,8
10	Шохжахон	2	1,30	216,5
11	Ракат	2	1,30	216,5
12	Ракатбоши	2	1,30	216,5
13	Яккасарой	3	1,20	149,9
14	Мукумий	2	1,30	216,5
15	Мерос	2	1,20	199,8
16	Тукимачи	4	1,30	108,3
17	Армуғон	3	1,20	149,9
18	Бошлиқ	3	1,20	149,9
19	Кушбеги	3	1,20	149,9
20	Дилбулоқ	3	1,20	149,9
21	Мухандислар	3	1,30	162,4